БУГУНГИ СОНДА:

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг РЕЙТИНГИ НИМА?



2-бет

Малакали кадрлар масканида ҳар куни бир янгилик



3-бет

Янги мактаб фойдаланишга топширилди



3-бет

18 АПРЕЛЬ – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни



6-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 27 (580)
2022 йил 19 апрель, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ МАСКАНЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 апрель куни қурилиш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 23 июндаги қарорига мувофиқ, "Янги Ўзбекистон" университети ташкил этилган эди. Қарорда мазкур университет учун ер ажратиш, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда замонавий ўқув кампуси лойиҳаси ишлаб чиқиш ва қуриш вазифаси белгиланган.

Тақдимотда дастлаб ушбу лойиҳа кўриб чиқилди. Университет учун пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Дўрмон йўли кўчаси бўйида 30 гектар ер ажратилган. Мажмуа лойиҳаси Туркиянинг "Outdoor Factory" компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Унга кўра, бу ерда 5 та факультет учун ўқув бинолари, маъмурият, ўқитувчилар ва талабалар учун ётоқхоналар, ошхона, кутубхона, лаборатория, спорт саройи ва стадион барпо этилади.

Ҳозир бу ҳудудда Президент мактаби бор. Келгусида Президент таълим муассасалари агентлиги ҳам шу ерда жойлашади. Шу тариқа, ҳудуд таълимга ихтисослашган яхлит мажмуа бўлади.

Давлатимиз раҳбари мажмуани сифатли қуриш, ўқув биноларида буюк алломаларимиз сиймоси ва меросини акс эттириш, ёшларнинг ўқиши ва ҳаракатланиши учун қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Яна бир лойиҳа келгусида давлат музейларини реконструкция қилишга қаратилган. Унга кўра, биноларнинг архитектураси ва тарихий қийматини сақлаб қолган ҳолда ички шароитларини яхшилаш, замонавий техникалар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Жаҳондаги машҳур музейлар тажрибаси асосида экспонатларнинг кўримлилигини ошириш, тарихий ашёларни безарар сақлаш, келувчиларга қулайликлар яратиш бўйича ҳамма жиҳатлар инобатга олинган. Бу ишлар натижасида музейларнинг кўргазма майдони кенгайиб, аҳоли ва сайёҳлар учун жозибадорлиги ошади.

Яшнобод туманидаги "Технопарк" ҳудудида аквапарк барпо этиш лойиҳаси ҳам истиқболли. Бунинг учун ҳозирда фойдаланилмай турган бино билан бирга 4,5 гектар ер мўлжалланган. Мажмуа тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси эвазига барпо этилади. Бу ерда очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, аттракционлар, тамаддихона, ўйин майдончалари бўлади.

Маълумки, мамлакатимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шунга мутаносиб равишда, Юнусобод туманидаги Астрономия парки ҳудудида гуллар боғи барпо этиш режалаштирилган. Бу жой аҳолининг маданий дам олиши, пойтахтимиз экологияси яхшиланиши учун яна бир омил бўлади.

Тақдимотда шаҳарлараро йўл инфратузилмасини яхшилаш чора-тадбирлари ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, Поп тумани билан Наманган шаҳри ўртасидаги автомобиль йўлини кенгайтириш лойиҳаси кўриб чиқилди.

Президентимиз бу ҳududнинг рельефини инобатга олиб, йўлни ҳайдовчиларга қулай қилиб қуриш, инсонлар хавсизлигини биринчи ўринга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

**ЎзА.**







# "КАРЬЕРА КУНИ" талабаларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилади

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**– Ишга кирмоқчимисиз?**

**– Шундай. Институтнинг тўртинчи курс талабасиман.**

**– Яхши, унда ушбу анкетани тўлдиринг. Суҳбатга ёзилинг. Биз билан бирга ишлаб, карьерангизни бошланг!**

**Тошкент архитектура-қурилиш институтида ўтказилган "Карьера куни" – меҳнат ярмаркасида шу каби савол-жавоблар кун тартибида бўлди.**

Жорий йилнинг 13 апрель куни мазкур олий ўқув юртининг ҳовлиси республикамизда фаолият юритаётган қурилиш корхоналари, расмий идоралар, лойиҳа институтлари вакиллари ва талаба ёшлар билан гавжум бўлди. Ўтказилган меҳнат ярмаркасида 70 та қурилиш корхонаси ўзининг вакант лавозимлари билан қатнашди. Тадбирга келган 390 нафар талабанинг 298 нафари ўлкамизнинг етакчи қурилиш корхоналарида иш фаолиятини олиб бориш учун анкеталар тўлдиришди. Шунингдек, ярмарканинг ўзида иқтидорли ёш қурувчи-муҳандислар ва бўш иш ўринларига эга корхоналар томонидан 40 га яқин тўғридан-тўғри шартномалар имзоланди.

**Эржан КАҲЯ,**
**Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори:**

– Бу каби меҳнат ярмаркалари нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа давлатлар университетларида ҳам ўтказилади. Шунчаки, кўриниши фарқ қилиши мумкин. Бугунги "Карьера куни" талабаларга иш имкониятларини бериш билан бир қаторда, қурилиш компаниялари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожига турткі бўлади. Тез орада институтимизнинг янги биносига кўчиб ўтамиз. Натижада янги ўқув кампусида бу каби ярмаркаларни юксак савияда ўтказишга қодир бўламиз. Ўзим ҳам халқаро қурилиш компаниялари иштирокида худди шундай йирик ярмарка ташкиллаштиришни ўйлаб юрибман. Бундай карьера кунлари талабаларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Асқар ҚОДИРОВ,**
**Тошкент архитектура-қурилиш институти Талабалар амалиётини ташкиллаштириш бўлими бошлиғи:**

– Тошкент архитектура-қурилиш институтида талабалар учун меҳнат ярмаркаларини ўтказиш анъанага айланган бўлиб, ҳар йили мунтазам ўтказиб борилади. Биз бу каби тадбирларни ўтказиш орқали талабаларимизнинг архитектура



ва қурилиш соҳасида олган билимларини юзага чиқариш, уларнинг ўлкамизда фаолият олиб борётган маҳаллий ва халқаро қурилиш корхоналарида амалиёт ўташи ва ишга жойлашишига кўмаклашишни мақсад қилганмиз.

"Карьера куни"да университетимизнинг юқори курс талабалари фаол иштирок этишади. Жумладан, ярмарканинг илк соатлариданоқ кўплаб талабаларимиз тадбирда иштирок этаётган меҳмон корхоналар вакиллари билан суҳбатлар ўтказиб, ишга жойлашиш бўйича ёзма равишда дастлабки анкеталарни тўлдиришди. Сўнгги йилларда талабаларнинг бевосита ўқув жараёнлари билан параллел равишда меҳнат фаолиятларини олиб боришларида ҳам енгилликлар берилмоқда. Бу ислоҳотлар барча курсларда таҳсил олаётган иқтидорли талабаларнинг меҳнат фаолиятини юритишига имкон бермоқда. Масалан, ландшафт-дизайн билан алоқадор компьютер дастурларида ишловчи талабалар одатда маълум иш вақтига муҳтож эмас. Улар ўз ишларини ўқув даврида ҳам бажариши мумкин. Бундай қулайликлар талабаларнинг карьера кунларида қатнашиш салмоғини орттирмоқда.

3-бет

# ПОЙТАХТДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА



**Феруза ХЎЖАЕВА,**
Тошкент шаҳар статистика бошқармаси
Ахборот хизмати ходими.

**Жорий йилнинг январь-февраль ойларида Тошкент шаҳрида жами 3 865,9 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 108,7 фоизни ташкил этди.**

Шунингдек, йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 829,0 млрд сўмни ёки 126,4 фоиздан (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 21,4 фоиз) иборат.

Айтиш лозимки, кичик корхона ва микрофирмалар бўйича янги қурилиш ҳисобидан 1 733,9 млрд сўм ёки жами кичик корхона ва микрофирмаларнинг янги қурилиш ишларидаги улуши 67,5 фоизни ташкил этди. Норасмий сектор ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишларининг жами қурилиш ишларидаги улуши 11,2 фоизни ташкил этиб, 431,9 млрд сўм миқдорида қайд этилди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Юнусобод туманида бажарилган бўлиб, шаҳарда бажарилган жами қурилиш ишларининг 114,1 фоизини ташкил этди. Миробод туманида бажарилган қурилиш ишлари эса 101,9 фоиз, Яшнобод туманида 102,2 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, фуқаролик объектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 6,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 48,8 фоиз пунктга кўпайди.

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

### Кореялик мутахассислар билан онлайн учрашув



**Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш марказида "Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш" ҳамкорлик лойиҳаси бўйича Ўзбекистон ҳамда Жанубий Кореянинг соҳа мутахассислари ўртасида навбатдаги онлайн учрашув бўлиб ўтди.**

Улар "Асос ва пойдеворлар"га тегишли меъёрий ҳужжатлар бўйича Ўзбекистон, Корея ва АҚШнинг қурилиш меъёрий ҳужжатлари ҳамда стандартларини таҳлил қилиб, ҳамкорлик лойиҳасини амалга ошириш йўналишларини муҳокама қилдилар.

Кореялик мутахассислар бир ой ичида миллий нормативлар асосида ўзларининг хулоса ва таклифларини беришни зиммаларига олишди ва бошқа йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлар йиғилишларини мунтазам ўтказишга келишиб олдилар.

### СамДАҚИда янги йўналишлар очилиши муҳокама қилинди

**Қурилиш вазирлиги Марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳамда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори Чидем Джанбай Туркйилмаз иштирокида учрашув бўлиб ўтди.**



Учрашувда қурилиш соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар таҳлил этилди. Шунингдек, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида янги йўналишларни очиш ва мавжудларини оптималлаштириш масалалари ҳам мутахассислар иштирокида қизғин муҳокама қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# 21 минг 187 та объектда қурилиш-монтаж ишлари қатъий назоратга олинган

**Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда Қурилиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмонов маълум қилди.**

Юртимизда кенг миқёсда турар жойлар қурилаётган бўлса, уларнинг сифати ҳам ўта муҳим масала ҳисобланади. Бино-иншоотларнинг тегишли нормативлар асосида қурилиши эса Қурилиш вазирлигининг қурилиш соҳасида назорат инспекцияларига юклатилган.

Брифингда маълумот берилишича, шу йилнинг ўтган биринчи чораги ҳолатига кўра, мамлакатимиздаги 21 минг 187 та объектда қурилиш-монтаж ишлари қатъий назоратга олинган. Ҳудудий назорат инспекциялари мазкур объектларда 23 минг маротаба текширув ишларини олиб борган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича 20 минг 700 дан зиёд кўрсатмалар берилиб, 13 ярим мингга яқин масалалар ҳал этилган.

Текширувлар натижасида ҳар доим ҳам пудратчи, буюртмачи ва лойиҳа ташкилотлари фаолияти самарали йўлга қўйилмаганлиги аниқланди. Қолаверса, маҳаллий ижро этувчи ҳокимликлар томонидан ҳудудлар бош режаларига зид равишда қарорларни қабул қилиш амалиёти ҳамон давом этмоқда. Мазкур ҳолатларни бартараф этиш мақсадида қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан мутасадди идораларга тақдимномалар киритилишига қарамасдан қонуний талаблар қаноатлантирилмасдан қолаяпти.

Хусусан, 240 та шаҳар ва туман бош режалари устидан мониторинг ишлари олиб борилганда 814 та қоида бузилиш ҳолатлари аниқланди. Улар юзасидан мутасадди идораларга огоҳлантириш хати ва тақдимномалар юборилди. Мисол учун, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2017 йил 20 майдаги қарорига асосан, 9-сонли умумтаълим мактаби ҳудудидан новвойхона ва маиший хизмат кўрсатиш объектини қуришга рухсат берилган. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ҳокимининг 2019 йил 27 февралдаги қарорига кўра, туман бош режасига зид равишда "Қўрғонтепа" МФЙ яқинидаги саломатлик пункти ҳудудидан "Ёшлар меҳнат гузари"ни қуриш мақсадида ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратиб берилган. Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги Лабзак маҳалласи, Нурафшон айланма йўли кўчаси манзилида туман ҳокимининг 2017 йил, 25 декабрдаги қарорига асосан, "Нурафшон спорт мажмуаси" МЧЖга 969 квадрат метр бўлган ер майдони ижара ҳуқуқи асосида, 281 квадрат метр ер эса болалар спорт мажмуаси ва ўйингоҳ учун мулк ҳуқуқи сифатида расмийлаштириб берилган. Аммо кейинчалик бу ерда 7 қаватли диагностика клиникасини қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Ўрганишлар натижасида бу ҳолат жамоат манфаатлари ва қонун нормаларига зид экани аниқланди.

Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳудудларда тасдиқланган Бош режаларнинг бузилиши ҳолатлари, яъни режага хилоф равишда ер участкалари ажратилиши, қурилиш-монтаж ишларини келишилмаган ҳолда бошлаш ҳолатлари бўйича 370 та ноқонуний ҳаракатлар аниқлангани ҳам фикримизнинг далилидир.

Яна бир муҳим масала шуки, авваллари инспекция ходимида қурилиш жараёнида камчиликликларга йўл қўйган масъулларни тўғридан-тўғри жаримага тортиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларига нисбатан чора кўриш, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва буздиришни амалга ошириш ваколати йўқ эди. Ушбу ҳолат бўйича "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 99-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва инспекторлар ваколати оширилди. Эндиликда инспекторлар томонидан тўғридан-тўғри чора кўриш амалиёти шаклланди. Масалан, 127 та ноқонуний ҳолат юзасидан жарима жазоси қўлланилди ва 1 265 та мансабдор шахсларга нисбатан ҳужжатлар тайёрланиб, тегишлилиги бўйича маъмурий судларга юборилди. 225 та ҳолатда қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилиб, қурилиш нормаларга риоя қилинмагани учун 41 та объектни буздириш ишлари амалга оширилди.

Қурувчилик масъулиятли касблардан биридир. Боиси, уларнинг меҳнати маҳсули бевосита кишилар ҳаёти билан боғлиқ. Сифат ва мукаммалликни асосий мақсадига айлантириб, белгиланган норма ва қоидалар асосида фаолият олиб бораётган пудратчи, буюртмачи ва лойиҳа ташкилотлари бошқаларга ўрнак бўлишда давом этаверсин.

**Ўз мухбиримиз.**



# Қурилиш-пудрат ташкилотларининг РЕЙТИНГИ НИМА?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

## Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинг баллари қандай шакллантирилади?

Рейтингларни ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига:

– Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар, тўланган солиқлар ва иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотлар;

– Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан қурилиши тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар;

– бошқа мутасадди вазирликлар ва идоралар томонидан зарур идоравий маълумотлар белгиланган тартибда идоравий электрон маълумотлар базаларини интеграллаштириш орқали тақдим этиб борилади.

Қурилиш вазирлигининг "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида юритилаётган рейтинг платформасидаги қурилиш ташкилотлари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун тегишли вазирлик ва идоралар масъул ҳисобланади.

Булар – Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш вазирлиги, "Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш" агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, "Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси.

Шу сабабли, ташкилотлар чораклик ҳисоботларини ўз вақтида, тўғри ва сифатли топширса, рейтинг янгиланганда баллар ҳаққоний шакллантирилади. Платформада шакллантирилган маълумотлар юзасидан эътирозлар бўйича масъул вазирлик ва идораларга мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

**Рейтинг балларини ҳисоблаш тартиби қуйидаги босқичларда амалга оширилади:**

– Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рўйхати уларнинг идентификация хос рақамлари (СТИР, КТУТ, ИФУТ, ХХТУТ, МХОБТ ва бошқа зарур хос рақамлар) билан биргаликда ҳар чорак якунидан сўнг кейинги ойнинг ўнинчи кунига қадар Қурилиш вазирлигига юборилади;

– Қурилиш вазирлиги Давлат статистика қўмитаси томонидан юборилган қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рўйхатини бир кун муддатда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида ташкил этилган рейтинг дастурига жойлаштиради;

– Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш вазирлиги, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, мутасадди вазирликлар ва идоралар статистик ва идоравий маълумотлар базалари негизида "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирилган дастурий таъминот воситасида рейтингни ҳисоблаш учун талаб этиладиган тегишли статистик ва идоравий маълумотлар беш кун муддатда белгиланган тартибда интеграция қилинишини таъминлайди;

– Қурилиш вазирлиги томонидан "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирилган дастурий таъминот воситасида рейтингнинг автоматик ҳисобланиши таъминланади;

– қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги тўғрисидаги маълумотлар Қурилиш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

# Мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш: НАРХ ВА СИФАТ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси ва Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамкорлигида "Мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш: нарх ва сифат" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда уюшма раҳбарияти, соҳа мутахассислари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди. Анжуманда дастлаб мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар, мавжуд қувватлар, ушбу йўналишдаги инвестиция лойиҳалар, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, маҳсулот сифати ҳақида батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг жаҳон талабларига жавоб бериши, йирик заводлар фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2022 йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини соҳа бўйича 27,6 трлн сўмга, шу жумладан Уюшма бўйича 10,5 трлн сўмга етказиш ва 110 фоизга ўсишни таъминлаш режалаштирилган. Жумладан, жорий йилда 17,6 млн тонна цемент, 32 млн кв метр қурилиш ойнаси, 24 млн квадрат метр керамик плитка, 73 млн квадрат метр гипсокартон, 3 млн ўрам гулқоғоз каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2022 йилда умумий қиймати 950 млрд сўмлик 17 та лойиҳа бўйича қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва шунинг ҳисобига импорт ҳажми 86 млн долларга қисқартириш режалаштирилган. Хусусан, 207,6 млрд сўмлик керамик плита ва керамогранит, 208 млрд сўмлик безакли ва флоат-ойна, 93,4 млрд сўмлик гулқоғоз, 60 млрд сўмлик газобетон блоклари, 15,6 млрд сўмлик санитар-техник буюмлар ва шу каби бошқа турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни таъминлаш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, импорт ҳажмини ўтган йилга нисбатан 20 фоизга ёки 200 млн долларга пасайтириш мақсад қилинган.

Энг муҳими, 2022 йилда инвестиция йўналиши бўйича ҳам изчил ишлар амалга оширилади. Хусусан, тармоқ бўйича жами 1 млрд 400 млн долларлик, шу жумладан 1 млрд 160 млн долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Шундан, Уюшма бўйича Инвестиция дастурига асосан, 369,4 млн долларлик 12 та лойиҳани ишга тушириш ва 1035 та янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, 2022 йилда 600 млн долларлик, жумладан, 461 минг тонна цемент (20 млн доллар), 80 млн долларлик ПВХ профил, труба ва пластмасса маҳсулотлар, 30 млн долларлик Қуруқ қурилиш қоришмалари ва цемент маҳсулотлари, 15 млн долларлик қурилиш хизматлари ва бошқа турдаги қурилиш материаллари экспорти амалга оширилади.

– Цемент ишлаб чиқариш йўналишига тўхталадиган бўлсак, республика бўйича 2021 йилда цемент ишлаб чиқариш ҳажми 14,2 млн тоннани ташкил этиб, ўтган 2020 йилга нисбатан 13 фоизга ўсиш таъминланди, – деди "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бошқарма бошлиғи Ботир Хўжабеков. – 2022 йилда йиллик қуввати 2,25 млн тоннага тенг 3 та янги цемент ишлаб чиқариш заводлари Тошкент, Андижон ва Наманган вилоятларида ишга туширилади. Ҳозирги кунда республика бўйича цемент ишлаб чиқариш қувватлари 21,3 млн тоннани ташкил этади. 2022 йилда марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар қурилишига ўртача биржа котировка нархларида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича 227 минг тонна цемент харид қилинган. Эътиборлиси, 2021 йилда 128,3 млн доллар, 2,7 млн тонна цемент импорт қилинган бўлиб, 2020 йилга нисбатан 2 фоиз (130,8 млн доллар)га камайган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида биржа савдоларида бир тонна портланд цемент ўртача 555 минг ҚҚС билан) сўмдан сотилган. 2022 йилнинг 2 ойлигида 6,4 млн долларлик 410 минг тонна цемент экспорт қилинди. Биржа савдолари орқали 1 млн 355 минг тонна цемент сотилиши таъминланди. Маълумот учун, биринчи чоракда табиий газ танқислиги кузатилди ва 2022 йилнинг 31 март ҳолатига кўра, 1 тонна цементнинг ўртача нархи 583 минг сўмни ташкил этди.

2022 йилда "Қизилқумцемент" АЖ томонидан умумий қиймати 137 млн доллар бўлган йиллик қуввати 1 млн 800 тонна клинкер ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, "Эко цемент" МЧЖ, "Наманганцемент" МЧЖ (II-босқич), "Қарши конч цемент" МЧЖ, "Шаффоф цемент саноати" МЧЖ ва "Factory cement" МЧЖ (1-босқич) кабиларда цемент лойиҳалари ўз фаолиятини бошлайди.

2022-2023 йилларда цемент ишлаб чиқариш бўйича амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига кўра, Андижон вилоятида 2 та, Жиззах вилоятида 1 та, Қашқадарё вилоятида 1 та, Навоий вилоятида 1 та, Наманган вилоятида 2 та, Самарқандда 2 та, Тошкент вилоятида 1 та, Фарғона вилоятида эса 2 та янги цемент заводлари барпо этилади.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан цемент ишлаб чиқариш корхоналарида давлат назорат тадбирлари ўтказилаётгани алоҳида қайд этилди.

– Ҳукуматимиз топшириғи билан 31 та цемент ишлаб чиқарувчи корхонада давлат назорати ўтказилди, – деди Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бўлим бошлиғи Шуҳрат Шерқулов. – Унга кўра, 27 та корхонада стандарт талаблари асосида цемент ишлаб чиқариш учун шароит яратилган. Яна бу жараёнда амалий ёрдам кўрсатилиб, аниқланган метрология йўналишидаги камчиликлар бартараф этилди. 4 та корхонада қўпол камчиликлар аниқланди. Шунингдек, 4 та савдо растаси ҳам текширилди. Уларда аниқланган камчиликлар бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли идораларга киритилди.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 21 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-139-сонли "Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2022 йил 1 мартдан бошлаб барча юридик шахсларга цемент, цемент клинкери ва қурилиш ойнасини чекловларсиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида (квотасиз) экспорт қилишга рухсат берилиши белгиланди. Шунингдек, 2024 йил 1 январга қадар Экспортни ривожлантириш агентлиги томонидан маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга (уларнинг ваколатли вакилларига) қурилиш материалларини барча мамлакатларга, шу жумладан чегарадош давлатларга автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача миқдорини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади.

Таҳлилларга кўра, 2016 йил якуни билан Республикамизда 8,6 млн тонна цемент ишлаб чиқарилган. 2021 йилда эса бу кўрсаткич Президентимиз томонидан қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш, соҳага илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, қабул қилинган қарорлар натижасида 14,2 млн тоннага етказилди. Йиллик ишлаб чиқариш қувватлари эса 21,3 млн тоннани ташкил этди. Шу жумладан, мамлакатимизда юқори маркали цемент ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# АЭРОПОРТЛАР – МАМЛАКАТ РИВОЖИНИНГ ҚАНОТИ

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Юртимизда кенг кўламли қурилиш-реконструкция жараёнлари давом этаётган пайтда бирон йил чет элда истиқомат қилиб, Ўзбекистонга қайтиб келган киши яшаб турган жойини танимаслиги мумкин. Бу каби бинокорлик шароитида бевосита аэропорт реконструкциялари, мутлақо янги ҳаво дарвозаларининг қурилиш ғоялари илгари сурилмоқда.**

Жамият ривожлангани сари фуқароларнинг ҳаракатчанлиги ва халқаро алоқалар кўлами ошиб бормоқда. Бу талабга мос равишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти имкониятларини кенгайтиришга чуқур урғу берилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 30 апрелдаги қарорига мувофиқ, "Uzbekistan Airways" ва "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамиятлари трансформация қилинмоқда.

2021 йил якунлари бўйича юртимиз аэропортлари орқали 5 миллион 400 минг йўловчи ва 82 минг тонна юк ташилган, хорижий авиакомпанияларга хизмат кўрсатиш ҳажми ошган. Харажатларни мақбуллаштириш бўйича кўрилган чоралар натижасида барча аэропортларнинг молиявий кўрсаткичлари яхшиланган. Шу билан бирга, Самарқанд халқаро аэропорти янгидан қурилди. Тошкент халқаро аэропортининг иккинчи терминали реконструкция қилиниб, ўтказиш қуввати 2 баробар оширди. Қарши аэропортининг учиш зали янгиланди. Бу ишларни изчил давом эттириш мақсадида мамлакатимиз аэропортларини 2035 йилга қадар ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган.

Келажакда маҳаллий аэропортларни ихтисослаштириш, жумладан, Тошкент аэропортини халқаро хаб, Навоий аэропортини юк ташиш хаби, Самарқанд ва Бухоро аэропортларини туризм хабларига айлантириш кўзда тутилган.

Тошкент халқаро аэропортини модернизация қилиш орқали йўловчиларни ўтказиш қувватини соатига 2 минг 400 нафарга ошириш, рўйхатдан ўтиш, паспорт назорати ва самолётга чиқиш йўлакларини кўпайтириш режалаштирилган. Шунингдек, Бухоро ва Урганч аэропортларида янги йўловчи терминаллари қуриш, шунингдек, ҳудудлараро лоукостер авиакомпанияси фаолиятини йўлга қўйиш лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Фарғона водийсидаги учта – Андижон, Наманган ва Фарғона аэропортлари шаҳарлар ичида жойлашгани ва атрофи бино-иншоотлар билан зич ўралгани сабабли уларни кенгайтириш имконияти чекланган. Шу боис учта вилоятнинг ўртасида янги халқаро аэропорт қуриш режаси таклиф этилди. Географик томондан бир-бирига яқин жойлашган кўп миллионли водий хўжалиги, аҳолисини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан боғлашда бу аэропорт қурилиши муҳим роль ўйнайди.

# Замонавий объектлар фойдаланишга топширилди

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori"мухбири.

**Таҳлилларга қараганда, Тошкент вилоятида жорий йилнинг уч ойи оралиғида ҳудудлар бўйича 30 дан ортиқ ижтимоий ҳамда маданий объектлар фойдаланишга топширилди.**

Юқори Чирчиқ туманидаги "Обод" маҳалла фуқаролар йиғини энг четкада жойлашган қишлоқлардан бири ҳисобланади. Тўғриси, туман марказидан анча олисдалиги сабабли ижтимоий масалаларда ечим кутаётган муаммолар ҳали тўла барҳам топмаганди. Масалан, маҳалладагилардан бирортаси бетоб бўлиб қолса, бир неча километр йўл босиб, туман марказига боришга мажбур эди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг шарофати билан "Обод"ликлар учун ҳар томонлама қулай ҳамда ихтисослашган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

– Саксон ёшни қоралаяпман, – деди шу ерда туғилган қозоқ миллати вакили Шержон ота. – Замонавий типда бунёд этилган бу тиббиёт маскани фуқароларимизнинг энг оғриқ муаммосини ҳал этгани баробарида энди у узоқ йиллар ҳаммамизга хизмат қилади. Шунча ёшга кириб, одамлар соғлигини мустаҳкамлаш бўйича давлат даражасида бундай эътибор берилганини кўрмаган эдим.

Мамлакатни ҳеч бир нарса спортчалик дунёга машҳур қилолмайди, деб бежизга айтишмаган. Зеро, унинг турлари қанча кўп ривожлантирилса, биринчи навбатда, одамлар саломатлиги ҳам шунга муносиб бўлади. Шу билан бирга, ёшларнинг спортда янги марраларни эгаллаши учун замин яратади.

Бу жиҳатдан Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мақсадга эришишда асқатяпти. Юқори Чирчиқ туманида ҳам муҳим масалага жиддий эътибор қаратилгани натижасида замонга мос Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қад ростлаб, намунали шароитлар яратилди. Жумладан, бу ерда мавжуд бўлган 8 турдан ортиқ спорт тўгараклари фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида, туманнинг Т. Г. Хван номли маҳалла фуқаролари йиғинида яна битта ихтисослашган янги кураш зали фойдаланишга топширилди. Айни пайтда шароитлар яратилган спорт залида ёшлар бўш вақтларида спортнинг миллий ва юнон-рум кураши, бадиий гимнастика турлари билан шуғулланишмоқда.

Шунингдек, туманда аҳолининг маънавиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Султонравот" маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудида ҳар тарафлама ихтисослашган "Маънавият ва маърифат" маскани бунёд этилди. Замонавий лойиҳа асосида қад ростлаган масканда кутубхона, ёш қаламкашлар тўгараги, рақс ҳамда фольклор хоналари, фаоллар зали, 300 ўринга мўлжалланган томоша зали мавжуд бўлиб, нафақат ёшлар, балки катталарнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун барча шароитлар яратилган.

Туманнинг яна бир чекка "Қўрсой" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги анча вақтдан буён ташландиқ бўлиб ётган Маданият уйи биноси ўрнида замонавий талаб даражасидаги янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди.

Маҳаллаларда янгидан-янги иншоотларни қуриш билан бирга, кўчаларни тартибга келтириб, ободонлаштириш ва асфальтлаш, тунги ёритгичларни янгиларига алмаштириш, мактаб ҳамда болалар боғчаларини реконструкция қилиш сингари дастурда белгиланган ишларни ўз муддатида уддалаш юзасидан ҳаракатлар олиб борилмоқда. Айтиш керакки, жорий йил охирига қадар ҳудуддаги элликка яқин маҳаллаларнинг барчаси талаб даражасига келтирилади.

# Малакали кадрлар масканида ҳар куни бир янгилик

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Яқинда Наманган муҳандислик-қурилиш институти ташкил этилганига ўттиз йил тўлади. Ўтган давр мобайнида мазкур олий ўқув юрти мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари учун минглаб малакали кадрлар етказиб берди. Улар бугунги кунда юртимизда оширилаётган бунёдкорликлар йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Собиқ битирувчилар орасидан йирик корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли тадбиркорлар, фидойилар етишиб чиққан.**



Рустамжон Маҳмудов ана шундай инсонлардан бири. У мазкур институтни битирганига қарийб 10 йил бўлди. Наманган шаҳридаги “Мехмаш” акциядорлик жамиятида оддий мутахассис сифатида иш бошлаган эди. Назарий билимларини ишлаб чиқаришда ўзлаштирган бор тажрибаси билан уйғунлаштирди. Шу билан бирга, у ўзида раҳбарлик хислатларини шакллантирди, ўқиб-ўрганиш йўлидаги интилишлари бекор кетмади. Бугунги кунда у корхонанинг бош муҳандиси сифатида иш олиб бормоқда.

Рустамжон Маҳмудовнинг зиммасидаги масъулият қанчалик катталигини англаш учун бир неча рақамлар келтирамиз. Жамоа кичкина эмас – бу ерда 700 га яқин ишчи, муҳандис-техник ходим ва хизматчи меҳнат қилади. Фаолиятнинг асосий тури металлни қайта ишлаш. Корхонада тайёрланган металл-қувурлар, қотиргич оддий ва бурама мих, винтга харидор жуда кўп. Тадбиркорларга бу ерда ишлаб чиқарилган иссиқхона модуллари ҳам маъқул келган. Унинг қулайлиги – бу ерда лойиҳалаштирилган ва ясалган иссиқхона қисмлари бевосита жойида йиғилиб, усти ёпилса бас. Деҳқончиликни бошлайвериш мумкин.

Дарвоқе, бош муҳандис қадрдон институт билан ҳозир ҳам доимий алоқада. Ўтган ойда корхонага олий ўқув юртининг бир гуруҳ ўқитувчи ва талабалари ташриф буюришди. Улар цехлардаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишдилар. Муҳандис-техник ходимлар ва ишчилар билан суҳбатлар ҳам қизиқарли кечди.

навбатда меҳнат бозорида рақобатбардош бўлган мутахассисларни тайёрлаб беришлари зарур. Бунинг учун албатта, мамлакатимиз ва хориждаги илм даргоҳлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш керак. Институтнинг илмий салоҳиятини ошириш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларни изланишларга кенг жалб этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу ерда ана шу мақсадларга эришиш йўлида изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Мухтор Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари халқаро ҳамкорлик доирасида Наманганга келди. Меҳмонлар иштирокида ўтказилган семинарда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Қозоғистонлик профессор-ўқитувчилар институтнинг Машинасозлик факультетида таҳсил олаётган талабаларга ўз йўналишлари бўйича маърузалар ўқишди.

ERASMUS+ лойиҳа доирасида Чехия табиий фанлар университети ҳузуридаги Таълим ва алоқалар институти профессор-ўқитувчилари Барбара Йорданова, Андреа Хлебучкова ва Жери Седиви ҳам институт талабаларига сабоқ беришди. Бу университет Европанинг энг таниқли олий ўқув юртларидан бири. У 1906 йилда ташкил топган бўлиб, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит, агробиология, ўрмончилик, иқтисодиёт ва техника йўналишларида 20 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Улар орасида ўзбекистонлик талабалар



ҳам бор. Чехиялик меҳмонлар наманганлик ҳамкасблари билан мулоқотлар ўтказиб, таълим самарадорлигини ошириш бўйича фикр алмашдилар.

Пировардида институт билан корхона ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузишга қарор қилинди. Ҳозиргача 43 талаба акциядорлик жамиятида ишлаш истагини билдирди. Улардан беш киши билан эса меҳнат шартномаси тузилди.

Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси институт билан ҳамкорликни кучайтирмоқда. Бу, малакали мутахассислар тайёрлашга яна бир замин бўлади. Яқинда институт талабаларидан бир гуруҳи бош бошқармада бўлишди. Улар учун “Шаҳар ва қишлоқ марказларини режалаштириш” мавзусида учрашув ўтказилди. Талабалар бош бошқарма кадрлар бўлими бошлиғи М. Умарова, Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш бўлими бошлиғи К. Обиддинов, “Архитектура-режалаштириш бюроси” ДУК директори ўринбосари Э. Қосимов ва Лойиҳалаш бўлими бош архитектори У. Сативалдиевнинг маърузаларини тингладилар. Тадбир ўзаро савол-жавоблар билан якунланди.

– Бу учрашувда қурилиш факультети архитектура бўлими талабалари қатнашдилар, – деди институт ўқитувчиси З. Одилов. – Улар бош бошқарма фаолияти билан ҳам яқиндан танишиб олишди. Ходимлар билан ўтказилган мулоқотлар барчада катта таассурот қолдирди. Бундай тадбирларни келгусида ҳам давом эттиришга келишиб олдик.

Маълумки, бугунги кунда олий таълим муассасалари олдига ўта муҳим вазифалар қўйилган. Улар биринчи

Яқинда НамМҚИ вакиллари Инновацион ривожланиш вазирлигида ташкил этилган республика форумида муваффақиятли иштирок этдилар. Институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Муҳаммаджон Дадамирзаевнинг айтишича, мазкур тадбирда амалга оширилган ва режалаштирилган қатор лойиҳалар тақдим этилди. Олий ўқув юрти олимлари яратган илмий-инновацион ишланмалар юқори баҳога сазовор бўлди. Ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти фаолияти билан танишсангиз, бу ерда ҳаёт тинмай қайнаб, ҳар куни қандайдир янгиликлар юз бераётганини кўрасиз. Бир неча кун аввал таъсис этган “Механика ва технология” журнали Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрлар қаторига киритилди. Институтнинг асосий биносига кираверишда янги стенд ташкил этилди. У Президент стипендиясига сазовор бўлган 5 нафар талаба ҳақида ҳикоя қилади. Иқтисодиёт ва бошқарув факультетининг 3-курс талабаси Гулмира Пардаева “Йил талабаси” кўрик-танловининг вилоят босқичига йўл олди.

Институт ва Янги Наманган тумани ҳокимлиги билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Ўқув юртининг салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш давом этмоқда.

# “КАРЬЕРА КУНИ”
## талабаларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилади

1-бет

**Хожиакбар ҲАКИМОВ,**
**“Қўйлиқ кўприклар, темир-бетон қурилмалар” унитар корхонаси етакчи мутахассиси.**

– Корхонамиз кўприк конструкциялари, йўл ва плиталар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, унда фаолият юритаётган 500 га яқин ишчиларнинг 60-70 фоизини ёшлар ташкил этади. Мазкур “Карьера куни”га корхонамизда мавжуд бўш иш ўринлари учун муносиб номзодларни танлаб олиш мақсадида ташриф буюрганмиз. Ярмаркада корхонамизда иш олиб боришга ихлосманд ёшлар билан суҳбатлар уюштириб, улардан сўровномалар оляпмиз. Ярмаркадан сўнг ушбу ёзма сўровномалар орқали муносиб кўрилган ёшларни корхонамизга суҳбатга таклиф этамиз.

**Алишер КУРАНБАЕВ,**
**“93-махсус трест” корхонаси мутахассиси:**

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# Электромобилларни қувватлаш станциялари қандай қурилади?

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Биринчи электромобиллар қачондан ишлаб чиқарилган? Албатта, кўпчилик бу турдаги автомобилларни яқин ўтмиш билан боғлайди. Аммо электроуловларнинг ўтмиши қарийб бир ярим аср узоққа бориб тақалади. XIX охири ва XX аср бошларида мазкур автомобилларга бўлган қизиқиш кучли эди. Кейинчалик ичдан ёнувчи двигателга эга мотор технологияларининг ривожланиши ва ёқилғи билан ҳаракатланувчи автомобилларнинг арзон нархларда ишлаб чиқарилиши амалда электромобилларнинг бир четга суриб қўйилишига сабаб бўлди.**

1970-1980 йиллардаги ёқилғи инқирозидан кейин бир муддат электромобиллар мавзуси қайта кўз очди. Аммо ўша даврда бу турдаги автомобилларнинг ривожланиши учун зарур даражадаги эътибор бўлмади. 2010 йилдан бутун дунёда атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва доимий ўзгариб турувчи ёқилғи таннархи сабаб бўлиб, электромобилларнинг реал даври бошланди. Бугун жаҳон автомобилсозлари электромобиллар ишлаб чиқариш ва ривожлантиришда рақобатлашмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам электромобилларга қизиқиш юқори. Хусусан, ушбу турдаги уловларнинг мамлакатимизга олиб кирилиш ҳолатларининг йилдан йилга ошиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Яқинда “Megavatt Motors” ва Экология давлат қўмитаси Ўзбекистонда яшил транспортни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик меморандумини имзолади. Ҳужжатга кўра, 2022-2023 йилларда Тошкент шаҳрининг барча туманлари ва вилоятлар марказларида электромобилларни қувватлаш шохобчалари қурилади. Станциялар бутун Ўзбекистон бўйлаб ўрнатилади.



Ўз ўрнида электромобилларнинг ривожланиши бевосита уларнинг қувватланиши учун зарур бўлган энергия станцияларини қуриш билан боғлиқ. Ҳозирги кунда бутун дунёда талабгорларга бу типдаги станциялар қурилиши учун бир қанча шартлар қўйилмоқда. Мазкур шартларга мувофиқ бўлганлар амалда кенг миқёсда электромобиллар учун қувватлаш станцияларини қуришлари мумкин. Бу станцияларнинг ижобий томони улар жой танламайди. Электр энергияси етиб борган ҳар қандай жойда иншо этилиши мумкин. Ҳозирги кунда озроқ молиятни кўзлаган ҳолда бу турдаги станциялар бевосита қуёш электр станцияларига боғланмоқда. Қувватлаш марказларида авто қувватлаш воситасининг қўндоғини автомобиль эгасининг ўзи тақади ва ортиқча сарсонгарчиликлар туғдирмайди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, мамлакатимизда ҳар 100 километр масофада битта электр қувватлагичлар ўрнатилади. Тахминий харажатлар 500 минг долларни ташкил этади. Ҳозирда Ўзбекистон учун электр қувватлагичларнинг “Plugshare” харитасида 42 та электр станцияси кўрсатилмоқда. Улардан 22 таси пойтахтда, 4 таси Тошкент вилоятида жойлашган. Самарқанд, Қарши, Наманган, Қўқон, Фарғона ва Навоий вилоятида ҳам станциялар кўрсатилган.

Бундан ташқари, Экология давлат қўмитаси давлат органлари ичида биринчилардан бўлиб ўз паркида электромобилларга босқичма-босқич ўтишни бошлади.


## “Qashqadaryo kim oshdi savdo” МЧЖ

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**2022 йил 29 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб Қарши шаҳар 4-митти туман ҳудудида жойлашган жамият офиси биносида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога “Қашқадарё соҳили санаторияси” МЧЖга қарашли қуйидаги автотранспорт воситаси такроран 10 фоиз туширилган нархда қўйилади:**

2005 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 70 318 КАА бўлган, техник ҳолати носоз “Нексия” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 31 591 246 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 2022 йил 28 апрель куни соат 13.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдода қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача “Qashqadaryo kim oshdi savdo” МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, 4-митти туман, **мўлжал:** “Парвина” кафесининг ўнг ёни)да қабул қилинади.

Ғолиб харидорлар 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартнома тузишлари ва мулк қийматини олди-сотди шартномада кўрсатилган муддат ичида тўлаб беришлари шарт.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисида”ги келишувга асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона устави, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

Кўрсатилаётган ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида ҳақ олинади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: “Qashqadaryo kim oshdi savdo” МЧЖ, “Ипотека-банк” АТИБ Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5043 9626 6001 СТИР 205 560 394.

**Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман.

**Мўлжал:** “Парвина” кафеси ёнида.

**Телефон:** 95-505-08-99.

*1665 рақамли гувоҳнома.*

## “KO‘CHMAS MULK XIZMATLARINI KO‘RSATISH JAMIYATI” МЧЖда

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога **“Angren Logistika markazi” АЖ** “Maxsusyuktrans” МЧЖнинг 2022 йил 13 апрелдаги 307-сонли такрорий буюртманомасига асосан, Оҳангарон тумани, “Марказий қўрғон” МФЙ ҳудуди, 2-участка манзилида жойлашган (Е-контейнер майдони) нотурар бино-иншоот, давлат рўйхатидан **ўтган ер майдони** – 7, 20 Га, **умумий фойдаланиш майдони** – 565,19 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 1018,31 квадрат метрдан иборат бўлган кўчмас мулк биноси. **Бошланғич баҳоси** – 24 348 870 000,0 сўм.

**Аукцион савдо 2022 йил 20 май куни электрон-онлайн платформасида бўлиб ўтади.**

**Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2022 йил 18 май куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2022 йил 20 май куни сотилмаган тақдирда, **такрорий электрон-онлайн савдолари 2022 йил якунига қадар ҳар ойнинг 15 кун оралиғида такрорий савдолар сотилгунга қадар** ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (йигирма) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти ҳамда тўловларни 3 ой мобайнида бўлиб тўлаш шарти юклатилади.

**Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдосида рўйхатдан ўтиб тўлашлари шарт:** 2260 4000 2053 3172 3001 “Davr bank” ХАТБ МФО 01121 СТИР 308 112 732.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон/факс:** 71-237-23-86.

## “Qashqadaryo texnologik transport” AJ

### АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Qashqadaryo texnologik transport” AJ Кузатув кенгашининг 2022 йил 14 апрель куни бўлиб ўтган йиғилиши қарорига асосан 2021 молия-хўжалик йили якунларига бағишланган акциядорлар йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 12 майда соат 15.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй манзилидаги жамият биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Акциядорлар йиллик умумий йиғилишига келган акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатга олиш соат 14.00 дан 15.00 гача амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 14 апрель ва акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 5 май.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият бошқаруви раисининг 2021 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти натижалари, бизнес-режа кўрсаткичларининг ҳамда иқтисодий кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисида ҳисоботини тасдиқлаш.
5. 2021 йил якуни бўйича жамият Тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
6. 2021 йил якуни бўйича жамият йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
7. 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш ва дивиденд тўлаш.
8. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги мустақил аудитор ташкилоти хулосасини тасдиқлаш.
10. Ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаштириш.
11. “Qashqadaryo texnologik transport” AJнинг уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд пулларини жамият ихтиёрида қолдириш тўғрисида.
12. Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдамни энг кўп миқдорини аниқлаш.
13. “Qashqadaryo texnologik transport” AJнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
14. “Qashqadaryo texnologik transport” AJнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботларини аудит миллий стандартлари ҳамда халқаро аудит стандартлари асосида ташқи аудиторлик текширувидан ўтказган аудиторлик хулосаларини тасдиқлаш.
15. Жамият бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш.
16. Жамиятнинг янги ташкилий структураси ҳамда штат жадвалини тасдиқлаш.
17. Жамиятда келгусида фойда келтирмайдиган асосий воситадаги мол-мулклар ҳамда рентабелсиз автотранспорт воситаларини очиқ аукцион савдо орқали сотиш ва яроқсиз ҳолга келган мулкларни ҳисобдан чиқариш.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сонли қарорининг ижросини таъминлаш.
19. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома, юридик шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва юридик шахс раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар йиғилишга материаллари билан 9.00 дан 16.00 га қадар жамият Қимматли қоғозлар бўлимига мурожаат қилиши мумкин.

**“Qashqadaryo texnologik transport” AJ жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили:** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй.

**Жамиятнинг электрон почта манзили:** qashqadaryotextrans@mail.ru, qatt00@mail.ru

**Батафсил маълумот учун алоқа телефони:** 99-750-26-00.

**“QashqadaryoTT” AJ раҳбарияти.**

## “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ

### нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 19 май куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдога қуйидаги таъмирталаб ҳолатдаги автотранспорт воситалар қўйилмоқда:**

**I.** ВССБ “Ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси” Давлат корхонасининг 2022 йил 18 апрелдаги 82-сонли хатига асосан, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 136-уйда сақланаётган:

1. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 441 GAA бўлган таъмирталаб ҳолатдаги “Дамас” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 6 432 000 (олти миллион тўрт юз ўттиз икки минг) сўм.

2. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 825 BAA бўлган таъмирталаб ҳолатдаги “Дамас” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 14 021 065 (ўн тўрт миллион йигирма бир минг олтмиш беш) сўм.

**II.** Полвон-Ғозовот ирригация тизими бошқармасининг 2022 йил 18 апрелдаги 76-сонли хатига асосан Хонқа тумани, Широқ кўчаси, 28-уйда сақланаётган:

2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 874 VAA бўлган таъмирталаб ҳолатдаги “Tico” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 4 263 400 (тўрт миллион икки юз олтмиш уч минг тўрт юз) сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари 2022 йил 19 майдаги очиқ аукцион савдода сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2022 йил 30 июнь кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдода қатнашиш истагида бўлган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ ҳисоб рақамига 10 (ўн) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Гаров пули қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади:** 2020 8000 0049 5964 3001 “Ипотека-банк” АТИБ Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.

**Расмий веб-сайт:** www.koss.uz

4621 рақамли гувоҳнома.


## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Апрель ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Матбуот хизмати бош мутахассиси **Чарос Садинова,** Бош режаларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Зебунисо Юсупова,** девонхона кичик мутахассиси **Эльмира Баймуратова,**

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи **Азизбек Қосимов,**

Бухоро вилояти, Ромитан тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Руслан Икромов,** Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Улуғбек Абдуллаев,**

Жиззах вилояти, Зомин тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Бахтиёр Мамасобиров,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Нуриддин Жўраев,** хўжалик мудири **Дилмурод Сойипов,**

Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани қурилиш бўлими бошлиғи в.в.б **Эркин Дусияров,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси юрисконсульти **Аслиддин Авезов,**

Хоразм вилояти, Гурлан тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Тоҳир Ибрагимов,** Янгибозор тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Сардор Ражабов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси девонхона, ижро интизоми ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича мутахассис **Нодирбек Юсупов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**


IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-443.
2239 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 23.15.
Топширилди – 23.50.

1 2 3 4 5 6

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№27 (580) 2022 йил 19 апрель

**18 АПРЕЛЬ – УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

# Сифатли хизмат кўрсатиш ШАРАФЛИ ВАЗИФАДИР

**Шерзод ХИДОЯТОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш
вазири.

**Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли кайфияти билан бевосита боғлиқ бўлган ўта масъулиятли соҳадир. Юртдошларимизга сифатли хизматлар кўрсатиб, уларнинг розилигига эришиш бу мушкул ва ўз навбатида шарафлидир. Шу маънода коммунал соҳа ходимларини шарафли касб эгалари деб атасак, муболаға бўлмайди.**

Бир сўз билан айтганда, юртдошларимиз оғирини енгил қилишдек заҳматли ва сермашаққат касбу-кор билан жамиятда муносиб ўрин топаётган соҳа ходимлари фаолияти алоҳида эътирофга сазовордир.

Сўнгги йилларда, хусусан, ўтган 2021 йилда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида туб бурилишлар амалга оширилди. Мазкур эзгу ташаббуслар шахсан давлатимиз раҳбарининг диққат-марказида ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан бўлаётгани боис ушбу соҳа кун сайин такомиллашиб бормоқда.

Ўтган 2021 йилда соҳага оид Президентимиз ва Ҳукуматимизнинг қатор қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5152-сонли қарори қабул қилинган бўлса, жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3-сонли ҳамда “Кўп квартирали уйларни бошқаришни такомиллаштириш ва коммунал хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 47-сонли қарорлари қабул қилиниб, коммунал соҳадаги кўплаб ислоҳотларга замин ҳозирланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, яқиндан бошлаб кўп квартирали уй-жой фондини бошқаришда коммунал хизматлар бозорига профессионал бошқарувчи ташкилотлар кириб келди. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари кўпайди. Йиллар мобайнида аҳолининг ширкатларга ишончи камайиб борган бўлса, бугун профессионал бошқарувчи ташкилотлар фаолиятига бўлган муносабат яхшиланиб бормоқда.

2021 йилда тажриба тариқасида республикада 15 та бошқарувчи ташкилотлар “очиқ танлов” йўли билан танланди ва 1 минг 227 та кўп квартирали уй-жойларни бошқариш учун тегишли шартномалар тузилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. 2021 йилда ва 2022 йилнинг I чораги давомида 20 минггача уйлар бошқарувчи ташкилотларга бириктирилди. Шу билан бирга, “оғир” тоифадаги ширкатларнинг сони 750 тага камайди. Бу албатта, ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Хусусан, қисқа вақт ичида бошқарувчи ташкилотларнинг кредит қарздорлиги 43 млрд сўмдан 22 млрд сўм (50 фоиз)га камайди, 250 га яқин янги иш ўринлари яратилди ва ишчилар иш ҳақи 2 баробарга ошди.

Шунингдек, бошқарувчи ташкилотлар томонидан аҳоли мурожаатларига тезкорлик билан жавоб бериш мақсадида 24/7 режимида фаолият юритадиган диспетчерлик ва аварияни бартараф этиш хизматлари йўлга қўйилди.

Соҳада рақамлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Уй-жой мулкдорларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва уларнинг тегишли мол-мулки кадастр рақамидан фойдаланган ҳолда биллинг тизими тўлиқ жорий этилди. Бошқарувчи ташкилотларнинг электрон рейтинги жорий қилиниб, тизимда 290 та бошқарувчи ташкилотлар баҳоланди.

“Обод қишлоқ” ҳамда “Обод маҳалла” дастурлари доирасида республика бўйича 1 139 та кўп қаватли уйларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ўтган йилда Инвестиция дастури доирасида 43,5 километр иссиқлик тармоқлари, 1 та марказий, 1 та маҳаллий қозонхона, 12 та қозон, 22 та замонавий насос ускунаси, 2 та газ тақсимлаш пунктида қурилиш ҳамда реконструкция ишлари бажарилди.

Жаҳон банки иштирокидаги “Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси доирасида Чирчиқ шаҳридаги 75 МВт қозонхонада модернизация ишлари якунланди. 3 та 25 МВтли янги замонавий қозонлар ва ёрдамчи қурилмалар ўрнатилди, узунлиги 2 километрга яқин иссиқлик тармоқлари алмаштирилиб, 13 та кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмлари индивидуал иссиқлик шохобчаларини ўрнатиш учун тайёрланди. Шунингдек, 15 та ИИП ҳам ўрнатилди. Бундан ташқари, қозонхонани электр энергияси билан таъминловчи 2,0 километр электр тармоқлари (кабель симлари) янгидан ётқизилди.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастури доирасида Хоразм вилоятида 11 та иссиқлик таъминоти объектларида модернизация ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш доирасида 9,3 километр иссиқлик тармоқлари, 11 та маҳаллий қозонхона, 33 та қозон, 42 та замонавий насос ускунаси қурилиши ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди. Наманган вилояти, Давлатобод тумани “Мустақиллик” ва “Халқлар дўстлиги” МФЙ аҳолисини иссиқлик энергияси билан таъминлаш учун марказий қозонхона қуриш ва иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш учун 36,4 километр иссиқлик тармоқларида реконструкция ишлари амалга оширилди ҳамда 66 та ИПП ўрнатилди.



Тошкент вилоятида жойлашган иссиқлик таъминоти тизимини тиклаш ва ривожлантириш бўйича 21,1 километр иссиқлик тармоқлари, 2 та қозон қурилиш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилган бўлиб, 1 700 та уй, 80 мингта хонадон, 150 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик билан таъминланди. Инвестиция дастури доирасида ажратилган маблағлар, “Тикланиш ва тараққиёт” ҳамда “Оролбўйи минтақасини ривожлантириш” жамғармалари ҳисобига лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қамров даражаси 52 фоиздан 55 фоизга ошди.

2022–2026 йилларда 172 та қозонхона ва 482 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларини қуриш ҳамда 109 та қозонхона ва 543 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш, ички иситиш тизими носозлиги (тик ва ётиқ қувурлар) сабабли иссиқлик таъминоти тизимларидан узилган 5 000 та кўп квартирали уйнинг ички иситиш тизимини тиклаш ҳамда 13 мингга яқин кўп хонадонли уйларга табиий газда ишловчи индивидуал, икки контурли иситиш қозонлари ва электр энергияси билан ишлайдиган конвекторларни ўрнатиш орқали аҳолининг марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминланганлик даражасини 52 фоиздан 66 фоизга етказишни мақсад қилганмиз. Қолган 34 фоиз қисми индивидуал иссиқлик тизими билан таъминланади.

Соҳа ходимларининг олдиларида турган мақсад ва вазифаларини бажаришда барчадан фидокорлик талаб этилади. Соҳа ходимларига яхши маълум, ҳал қилиниши лозим бўлган коммунал муаммолар талайгина. Айнан улар аҳолимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу маънода келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишларга қатъият билан киришиш, халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун коммунал хизмат кўрсатиш объектлари соз, хизмат кўрсатиш сифати эса юқори бўлиши зарур. Тизимли ислоҳотларни бирдамлик ва якдиллик билан амалга оширишда барчага мустаҳкам саломатлик, куч-ғайрат, шижоат, оилавий бахт-саодат, хонадонларига қут-барака ва хотиржамлик тилайман!

# КАСБ БАЙРАМИ муносиб нишонланди

**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон миллий академик драма театрида катта байрам тадбири бўлиб ўтди.**



Байрам тадбирини Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Шерзод Ҳидоятов табрик сўзи билан очиб, соҳа вакилларини касб байрами билан самимий қутлади.

– Фаолият олиб бораётган соҳамиз аҳоли кайфиятига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган ўта масъулиятли соҳалардан бири эканини барчамиз яхши биламиз, – деди вазир. – Юртдошларимизга сифатли коммунал хизмат кўрсатиб, уларнинг розилигига эришиш мушкул ва ўз навбатида шарафли вазифадир.

Тадбирда халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, аҳолининг кундалик эхтиёжларини қондириш, уларга қулай яшаш шароити яратишдек масъулиятли соҳа фидойиларининг заҳматли меҳнатлари муносиб эътироф этилди.

Соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган вазирлик ва унинг тизим ташкилотларидаги 148 нафар ходим “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Байрам тадбири кўтаринки руҳда, Ўзбекистон миллий академик драма театри ижодий жамоасининг чиқишлари билан янада қизғин ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

# БОШҚАРУВ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ИЛК АМАЛИЙ СЕМИНАР

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кўп қаватли уйлар қурилиши жадаллик билан ортаётган бир паллада, қуриб битказилган уйларга хизмат кўрсатиш сифати қай даражада бўляпти? Бугун уйни қуриш билангина иш битмайди, унинг келгусидаги ҳолати ҳам доимий назоратда бўлиши керак.**



Навоий шаҳрида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда кўп қаватли уйларни бошқарувчи ташкилотлар учун ташкил этилган республика амалий семинарида айнан юқорида келтирилган масалалар илгари сурилди. Семинар иштирокчилари вилоятдаги энг илғор бошқарув сервис компаниялари фаолияти билан танишиб, қўшимча хизматларни ташкил этиш имкониятлари бўйича тажрибаларини оширишди. Семинарда республика бўйича 400 дан ортиқ малакали мутахассис қатнашди. Улар вилоятдаги энг илғор – “Ҳумо-Зилола барҳаёт” бошқарув сервис компанияси фаолияти бўйича тақдимот ўтказилди.

Семинарда иштирок этган Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Шерзод Ҳидоятов кўп қаватли уйларни бошқариш тизимида амалга оширилган ишлар, ютуқлар ва мавжуд муаммоларга тўхталиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш бугунги кун талаби эканлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг, минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деганларидек, иштирокчилар “Ҳумо-Зилола барҳаёт” бошқарув сервис компанияси ҳудудида бўлиб, у ерда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиб, кўп квартирали уйларни сақлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, шунингдек, мавжуд қозонхона, локал оқова ва ичимлик суви иншооти ҳолати бўйича маълумотларга эга бўлишди.

– Ўтказилган семинар катта тадбир сифатида аҳамиятли бўлди, – деди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Ханифа Икромова. – Бу тадбирни ўтказишга эҳтиёж қандай пайдо бўлди? Бугунги кунда республикамизда 39 мингдан ошиқ кўп квартирали уйлар мавжуд. Уйлар қурилиши ҳамон шиддат билан давом этмоқда. Бу, ўз навбатида, бошқариш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бугунги кунда бу уйларни 343 та бошқарув сервис компаниялари ва 2 313 та ширкат бошқариб келмоқда. Ўтган йили Президентимиз қарори билан бошқарув сервис компаниялари тасарруфига 1227 та кўп квартирали уйлар очиқ танлов асосида ўтказилди. Бу тажрибанинг ёрқин натижасини, яъни, тўлиқ амалда ўзини оқлаганини “Ҳумо-Зилола барҳаёт” бошқарув сервис компанияси фаолияти мисолида кўрдик. “Ҳумо-Зилола барҳаёт” бошқарув сервис компанияси ўзига бириктирилган уйларни бошқариш учун 1,5 миллиарддан ортиқ инвестиция билан таъминланган. Айни пайтда қўшимча 38 турдаги хизматлар ташкил этилиб, улар орқали 400 миллиондан ортиқ даромад қилиб келинмоқда. Бу тажрибалар иштирокчилар томонидан пухта ўрганилди.

– Ўтказилган семинар катта тадбир сифатида аҳамиятли бўлди, – дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Ханифа Икромова. – Бу тадбирни ўтказишга эҳтиёж қандай пайдо бўлди? Бугунги кунда республикамизда 39 мингдан ошиқ кўп квартирали уйлар мавжуд. Уйлар қурилиши ҳамон шиддат билан давом этмоқда. Бу, ўз навбатида, бошқариш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бугунги кунда бу уйларни 343 та бошқарув сервис компаниялари ва 2313 та ширкат бошқариб келмоқда. Ўтган йили Президентимиз қарори билан бошқарув сервис компаниялари тасарруфига 1227 та кўп квартирали уйлар очиқ танлов асосида ўтказилди. Бу тажрибанинг ёрқин натижасини, яъни, тўлиқ амалда ўзини оқлаганини “Ҳумо-Зилола барҳаёт” бошқарув сервис компанияси фаолияти мисолида кўрдик. Бошқарув компанияларини ташкил қилгандан сўнг, уни қандай юритиш керак, деган савол ҳам пайдо бўлмоқда. Шунинг учун юртимиздаги бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари ва мутахассисларни тажриба ўрганиш мақсадида бу ерга тўпладик. “Ҳумо-Зилола барҳаёт” бошқарув сервис комапанияси ўзига бириктирилган уйларни бошқариш учун 1,5 миллиарддан ортиқ инвестиция билан таъминланган. Айни пайтда қўшимча 38 турдаги хизматлар ташкил этилиб, улар орқали 400 миллиондан ортиқ даромад қилиб келинмоқда. Бу тажрибалар иштирокчилар томонидан пухта ўрганилди.

Тошкент шаҳар ва вилоятлардан борган бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари бу ерда яшовчи аҳоли билан яқиндан суҳбатлашиб, уларнинг ҳаётларидан мамнун эканликларини ўз кўзлари билан кўришди.

– Республика миқёсида илк бор ташкил этилган ушбу амалий семинар барчамизни ўз атрофига бирлаштирди. Юртимизнинг турли ҳудудларида иш юритаётган кўпгина ҳамкасбларим билан яқиндан танишиб, мулоқот қилдим. Навоий шаҳридаги 116 та кўп қаватли уйга замонавий коммунал сервис хизматларини кўрсатиб келаётган “Ҳумо-Зилола барҳаёт” бошқарув компанияси иш услубининг намунавий жиҳатлари кўп. Қайд этиш лозимки, Тошкент вилоятида ҳам кўп хонадонли уйларни иқтисодий ночор ширкатлар тасарруфидан замон талабига мос профессионал БСКларга бириктириш ишлари изчиллик билан давом этаяпти. Саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бериб, вилоятимизда БСКлар сони 49 тага етди, – деди Тошкент вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Шамсиддин Маннапов.

Бир сўз билан айтганда, юртимиз кўркига кўрк қўшиб турган кўп квартирали уйларнинг халқимизга янада кўпроқ ва яхшироқ хизмат кўрсатишини таъминлаш бугун кун талаби. Ўтказилган семинар эса бу борада катта тажриба мактаби бўлишига умид қиламиз.

